

Hubey Technology Market Association ТИҶХММИда

Учрашув "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" факультети декани У.Қўзиев, "Қишлоқ хўжалиги машиналари" кафедра мудири К.Астанакулов ва Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Ш.Рахмонов ва Hubey Technology Market Association корхонаси вакилари билан биргаликда бўлди. Учрашувни У.Қўзиев очиб берди ва К.Астанакулов томонидан ТИҶХММИ ва унинг фаолияти ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилди.

Hubey Technology Market Association – Хитойнинг қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ва Вухан провинцияси иқлим, экологик ва тупроқ қатламларининг шароитлари ўзаро ўхшашлиги уларнинг бу ўлкада технологияларини жорий этиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлаб ўтилди.

Янгийўлдаги балиқчилик хўжалигидаги тажриба хўжаликлари ҳақида сўзлаб беришди. Ушбу корхона институт билан ҳамкорлик имкониятлари ҳақида музокаралар олиб борилди.



Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов